

# Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви тўғрисида НИЗОМ

(Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Архив иши тўғрисида”ги (2010 йил 15 июнь) Қонуни ҳамда “Ўзархив” агентлигининг 38-сон Буйруғи (2010 йил 17 июнь) асосида қайта ишлаб чиқилган)

I. Умумий қоидалар

II. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг асосий вазифалари ва функциялари

III. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

IV. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви фаолиятини ташкил этиш

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг (кейинги ўринларда ЎЗР МДА деб юритилади) мақоми, вазифалари, функциялари, ваколатлари ва фаолиятининг ташкилий асосларини Ўзбекистон Республикасининг “Архив иши тўғрисида”ги, “Маданий меърос объектларини қўриқлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда архив фаолиятига доир бошқа қонун ости ҳужжатларига мувофиқ белгилайди.

2. ЎЗР МДА “Идора қилиш аппарати”, “Ҳужжатларни муҳофаза қилишни таъминлаш”, “Давлат ҳисоби ва илмий ахборот аппарати”, “Ҳужжатларни жамлаш, идораларга қарашли архивлар ва иш юритиш”, “Махсус фондлар”, “Режалаштириш ва ташкилий-методик ишлар”, “Ҳужжатларни эълон қилиш ва улардан фойдаланиш”, “Хўжалик хизмати” бўлимлари ва “Ҳужжатларнинг сақланишини таъминлаш” лабораториясидан иборат.

Шунингдек, “Ҳужжатларни муҳофаза қилишни таъминлаш” бўлими таркибида “Алоҳида қимматли ҳужжатларнинг электрон нусхаларини яратиш” сектори ва “Давлат ҳисоби ва илмий ахборот аппарати” бўлими таркибида “Ҳужжатларнинг электрон каталогларини яратиш” сектори ҳамда вазирлик, идора, муассаса ва ташкилотлар талабларидан келиб чиқиб, ҳужжатларга илмий-техник ишлов берувчи хўжалик ҳисобидаги “Ташкилотлар ҳужжатларини шартнома асосида тартибга келтириш” бўлими ташкил этилади.

3. ЎЗР МДА Миллий архив фонди (МАФ) ҳужжатларини жамлаш, ҳисобини олиб бориш, сақловини таъминлаш ва улардан фойдаланишни ташкил этувчи давлат муассасаси ҳисобланиб, у Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлигига тўғридан тўғри бўйсунди.

4. ЎЗР МДА ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, “Ўзархив” агентлигининг буйруқ ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга амал қилади.

5. ЎЗР МДА архив иши ва иш юритиш соҳасида республикадаги илмий-услубий марказ ҳисобланади.

## II. ЎЗР МДАНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

6. Қуйидагилар ЎЗР МДАнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларини шакллантириш, жамлаш, ҳисобини олиб бориш, сақловини таъминлаш ва улардан фойдаланишни ташкил этиш;

вазирлик, муассаса, идора ва ташкилотларга архив иши, иш юритиш ва ҳужжатларни шакллантириш бўйича амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;

архивга қабул қилинган ЎЗР МАФ ҳужжатлари, шунингдек, вақтинча ва депозитар сақловдаги ҳужжатлар сақловини таъминлаш;

архивга қабул қилинган ва идоравий сақловдаги ЎЗР МАФ ҳужжатлари ҳисобини олиб бориш;

архив ҳужжатларидан самарали фойдаланиш ишларини ташкил қилиш;

архивда ва идоравий архивда сақланаётган ҳужжатларни тартибга келтириш, қимматдорлигини аниқлаш экспертизасини ташкил этиш, ўтказиш, натижаларини расмийлаштириш;

8. ЎЗР МДА ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

давлат архивининг жамлаш манбаи бўлган ташкилотлар рўйхатини тузиш, тўлдириб бориш ва уларга белгиланган тартибда гувоҳнома бериш;

давлат архивининг жамлаш манбаи бўлган ташкилот ва муассасаларда идоравий сақланишда бўлган ЎЗР МАФ таркибига киритилган ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати ва ҳужжатларнинг сақланиши юзасидан назоратни олиб бориш;

давлат архиви жамлаш манбаи ҳисобланган ташкилот ва муассасаларда архив иши ва иш юритиш фаолияти устидан давлат назоратини олиб бориш;

ЎЗР МАФ ҳужжатларини давлат сақловига қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларининг сақлови ва муҳофазасини таъминлаш;

архив ҳужжатлари қимматдорлигини аниқлаш, уларнинг жисмоний ҳолати ва мавжудлигини текшириш ҳамда ўрнатилган тартибда расмийлаштириш;

шартнома асосида ташкилотлар ҳужжатларига илмий-техникавий ишлов бериш, қимматдорлиги экспертизасини ўтказиш, ҳужжатлар мавжудлигини текшириш ишларини ташкил этиш, олиб бориш ва натижаларини расмийлаштириш;

фуқаролардан қабул қилиб олинган шахсий фонд ҳужжатларини таснифлаш, ҳисобини олиб бориш ҳамда уларнинг илмий-маълумотнома аппаратини яратиш;

жисмоний зарарланган ҳужжатларни аниқлаш ва уларни қайта тиклаш (реставрация), таъмирлаш, муқовалаш;

ўта қимматли, ноёб ҳужжатларни аниқлаш ва уларнинг фойдаланиш фондларини яратиш;

давлат архивида сақланаётган Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларига илмий маълумотнома аппарати тузишни такомиллаштириш;

давлат архиви ҳужжатларининг ҳисобини олиб бориш;

маълумотнома-ахборот фондини юритиш ва ундан самарали фойдаланишни ташкил қилиш;

босма нашрлар ҳужжатхонаси ишини ташкил қилиш;

архив ҳужжатлари асосида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш;

архив иши ва иш юритишга оид услубий қўлланмалар, йўриқномалар ва низомлар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларини эълон қилиш ва улардан фойдаланишни ташкил этиш;

мавзули ва ижтимоий-ҳуқуқий сўровларни бажариш ҳамда ташаббусли ахборотлар тайёрлаш, кўргазмалар уюштиришда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш;

ҳужжатлардан фойдаланиш ҳисобини олиб бориш;

“Ўқишхона” ишини ташкил этиш;

архив иши ва иш юритиш бўйича махсус ўқув курсларини ташкил этиш ва ўтказиш;

архив иши ва иш юритиш соҳасидаги илғор тажрибаларни ўрганиш, уларни жорий қилиш.

### **III. ЎЗР МДАНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ**

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ЎЗР МДАнинг жамлаш манбаига киритилган давлат ҳокимияти ва бошқаруви республика органларидан ҳамда идоравий бўйсунушидан ва мулкчилик шаклларида қатъий назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан архив иши ва иш юритиш ҳужжатларини ташкил этиш тўғрисида зарур материалларни ҳамда уларнинг аҳволи тўғрисидаги маълумотларни олиш;

ЎЗР МДАнинг жамлаш манбаи ҳисобланган давлат ҳокимияти органлари, вазирликлар ва идораларнинг эксперт комиссиялари тўғрисидаги ҳамда идоравий архиви тўғрисидаги низомлар, улар томонидан ишлаб чиқилган архив иши ва иш юритишни ташкил этиш масалаларига оид йўриқномалар, йиғмажилдлар номенклатуралари ва бошқа норматив ҳужжатларни келишиб олиш;

мутассадди ташкилотлар билан ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

архив иши ва иш юритишни ташкил этиш, янада ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда “Ўзархив” агентлигига тақдим қилиш;

белгиланган тартибда ўз фаолияти доирасида республика ва чет эл ташкилотлари билан алоқалар ўрнатиш.

10. ЎЗР МДА қуйидагилар учун жавобгар:

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондини шакллантириш;

архив ҳужжатлари ҳисобини юритиш;

давлат архивида сақланаётган ҳужжатларнинг сақланишини таъминлаш;

архив ҳужжатларидан фуқаролар, жамият ва давлат манфаатларида фойдаланишни ташкил қилиш.

### **IV. ЎЗР МДА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

11. ЎзР МДАга "Ўзархив" агентлиги томонидан лавозимга тайинланадиган ва озод қилинадиган директор раҳбарлик қилади.

“Ўзархив” агентлиги томонидан тайинланадиган ва озод қилинадиган директорнинг бир нафар ўринбосари бўлади.

ЎзР МДАнинг директори:

ЎзР МДАга юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради ҳамда ўринбосарнинг ва тасарруфидаги бўлим мудирларининг жавобгарлик даражаларини белгилайди;

ЎзР МДА бошқарув аппарати ходимлари, бўлим мудирлари ва ходимларни лавозимга тайинлайди ҳамда озод қилади;

архивнинг асосий фаолияти ва ходимларга оид буйруқлар чиқаради ва уларга оид кўрсатмалар беради ҳамда бажарилишини назорат қилади;

“Ўзархив” агентлиги касаба уюшмаси билан келишган ҳолда жамоа шартномасини имзолайди;

республика вазирликлари, давлат кўмиталари ва идоралари раҳбарлари билан архив иши ва иш юритишга доир ҳужжатларни ташкил этиш масалалари бўйича меъёрий-услубий ва норматив ҳужжатларни келишади;

ЎзР МДА таркибий бўлимлари Низомлари, ходимларнинг лавозим йўриқномалари ҳамда эксперт-текширув услубий комиссияси (ЭТУК) тўғрисидаги Низом, меҳнатни илмий ташкил этиш кенгаши (МИТЭК) тўғрисидаги Низомларни тасдиқлайди;

ЎзР МДА ҳужжатларини корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга вақтинча фойдаланиш учун бериш, матбуотда нашр қилиш, тадқиқотчиларни архив ўқишхонасида ҳужжатлар билан ишлашига рухсат бериш масалаларини ҳал қилади;

ЎзР МДА фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияси, ҳужжатларни жамлаш, сақлаш, таъмирлаш, зарар етмайдиган ҳолда сақлаш (консервациялаш), нусха кўчириш, улардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг самарали тизими ва усулларини жорий қилади;

Архивнинг ускуналар ва бошқа зарур материалларга бўлган эҳтиёжини аниқлайди, бинодан техник жиҳатдан фойдаланиш (техник эксплуатацияси)ни таъминлайди;

ЎзР МДА базасида республика архивчиларининг касбий малакаларини оширишга имконият яратади, шунингдек, архив ходимларининг малакасини ошириш, архив ишини илмий асосда ташкил этиш ва иқтисодиётини ривожлантириш бўйича тадбирлар ўтказади;

Ўз ваколати доирасида ташкилотлар билан архив хизматларини кўрсатиш учун шартномалар тузади;

жамоа шартномаси ва меҳнат қонунчилигига асосан меҳнатни илмий ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашни такомиллаштириш, архив ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш ва рағбатлантириш бўйича тадбирларни амалга оширади;

ЎзР МДА директори қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эгадир.

12. ЎзР МДА ҳузурида:

Ишлаб чиқариш масалалари бўйича дирекция;

Меҳнатни илмий ташкил этиш кенгаши (МИТЭК);

Эксперт-текширув услубий комиссияси (ЭТУК);

Ижтимоий-суғурта комиссияси фаолият юритади.

13. ЎзР МДА фаолиятини молиялаштириш давлат бюджети маблағлари, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

14. ЎзР МДА юридик шахс ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ҳамда ўз номи ёзилган муҳрга, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб рақамларига эга.

15. ЎзР МДАни қайта ташкил этиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.